

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 70 (65946)
1996 йил, 25 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нарҳда

БИЗДАН ФАҚАТ ҲАҚИШ



Мустақил юрт болалари боболари билан фахрланадилар

Файзулло бобо! Ҳозир булсангиз эди. Озод, дунёдаги энг бақувват мамлакатга айланиб бораётган, ҳур Ватанимизни уз кузингиз билан курсангиз эди. Юртимизда мустақиллик эълон қилинган кун туғилган набираларингиз беш ёшга тулди. Сиз орзу қилган мамлакат эса олтинчи ёшга қадам қуйди. Қани энди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти узра ҳилпираб турган Ўзбекистон байроғини, Қомусимиз, Тамғамизни куриб, Мадҳиямизни тинглаб биз билан бирга фахрлансангиз. Дунёдаги энг нуфузли анжуманлар бизда утмоқда. Бугун буюк бобомиз Бобур Мирзонинг киндик қони тукилган Андижонимизда дунёга келаётган автомобилларимизни куриб, олам лол. Осиёда ягона Олимпия шон-шухрати музейи ифтихоримиз. Уч йилдан буён ҳукуватимиз раҳбари таъсис этган соврин учун мана-ман деган давлатлардан келган спортчилар мурасасиз

БИЗНИНГ ФАЙЗУЛЛО БОБО

кураш олиб бормоқдалар. Эҳе, қани энди буларнинг барини уз кузларингиз билан курсангиз...

Бу нидолар боғча болалари тилидан янграганда, уни тинглаб турган катталарнинг кузларида ёш қалқди.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Юқори Чирчиқ туман булими ташаббуси билан утказилган тадбир Янгибозор курғони марказида жойлашган 3-болалар боғчасида булиб утди.

Файзулла Хужаев Ўзбекистонимизни ҳур ва озод куришни орзу қилган ватанпарвар инсонлардан биридир, — дейди «Кавардон» қишлоғилик болалар шоири Собир Олимжон. Ушбу қутлуг кунларни кулолмай кетган Файзулло бобомизнинг ҳаёти, унинг армонларини барча кичкинтойлар яхши билишларини намойиш этишди.

Боғча тарбиячиси Марям Ҳамроева томонидан Файзулла Хужаев тилидан айтилган сатрлар айниқса қупчиликни ҳаяжонга солди.

Ўз юртида эркин бўлсин элим, дедим,
Юрагимда унган гулим — тилим, дедим.
Гулим сўлса, эрким ўлса-ўлим, дедим,
Авлодларим, айтар сўзим — гуноҳсизман!..

Тарбиячилардан Алсу Шамсуддинова, Бухан Қолдибоевалар Файзулла Хужаев ҳақида узлари билган, эшитганларидан қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

Тадбир сунгида болалар боғчаси жамоасига Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман булими томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ,
«Тонг юлдузи» жамоатчи муҳбири.


Азиза 8-синфни тамомлаб Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида тузилган узбек-турк қизлар лицейига кириб ўқиш ниятида юрганида, баъзи дугоналари «мактабни биздан бир йил кеч тамомлар экансан, бир йилга ютқазасан» дея бироз иккилантиришганди. Уйдагилари эса аксинча фикр билдиришди. Тест синовларидан муваффақиятли утиб келган кун онасининг кучоғига отилиб, ойи-жон, табрикланг, мен синовлардан яхши утиб, ўқишга қабул қилиндим, деганида, онасининг қувончига астойдил шерик булиб: «Курдингми она қизим, астойдил қилинган меҳнат зое кетмайди. Тест синовларига пухта тайёрланинг, уз кучингга, билимингга ишондинг, мен эса сенга ишонгандим, — дегани ҳам ёдида. — Лекин бу — ўқишга кириб олдим, бу ёғи уз-узидан кетаверади, дегани эмас...» Азиза лицейнинг 10-синфида таҳсил оляпти. Онасининг панду насихатлари моҳиятини энди-энди англагандек буляпти. Бир кун дарс тайёрламадими, дугоналаридан ортда қолиб кетиши тайин. Чунки Ирода, Дилфуза, Комила, Шоҳиста каби дугоналари, умуман, лицейнинг барча ўқувчилари ута тиришқоқ, билимга чанқоқ қизлар.

Уларнинг билим олишлари, ўқиб-урганишлари учун эса асосан инглиз тили чуқур ургатишга ихтисослашган мазкур лицейда барча шароитлар яратилган. Биология, химия, физика, математика каби аниқ фанлар, компьютер сабоқлари инглиз тилида ўқитилади. 8-синфни тамомлаб, тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинган қизлар бир йил давомида тайёрлов синфида ўқиб, инглиз тилини мукамал урганиб олишади. Кейин эса 9—10—11-синф дастурлари асосида ўқишни давом эттиришади. Дарслардан олган сабоқларини фан тугарақларида мустаҳкамлаб боришади. Лицейнинг аълочи ва иқтидорли ўқувчиларидан 4 нафари шаҳар миқосида утказилган фан олимпиадаларида иштирок этиб, 1-уринни эгаллашга муваффақ булишди.

Қизлар барча қулайликларга эга булган ётоқхона билан таъминланишган. Шинамгина лицей ошхонасида дугоналар гурунглашиб, 5 маҳал овқатланишади. Уларнинг эғнидаги хушбичим, қулай ва ярашимли махсус мактаб формаси ҳам лицей ҳисобидан тарқатилади.

Спорт, расм чизиш, бичиш-тиқиш, адабий тугарақлар доимо талабалар билан гавжум. Мавлуда Бахромова, Хадича Қоя, Буланд Узак сингари устозларининг билимдону ширинсузликларини айтмайсизми? Қизлар айниқса тарбиячи опалари Ҳакима Юсуповани жуда яхши куришади, узоқ-узоқ суҳбатлашиб, дил тубидаги гаплари билан «сирлашинади» ҳам.

— Лицейимизнинг асосий



мақсади ўқувчиларимиз билимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш, — дейди масканнынг куюнчак директори Малоҳат опа Орифжонова. — Ва бу борада турк биродарларимиз, хусусан, турк мудираси Серак Магиллар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз...

Азиза лицейдаги шарт-шароитлар, ёшларнинг билимли,

илмли булиб этишишлари учун курсатилаётган гамхурликлар ҳақида уйлар экан, «Биз ёшлар ҳам бу гамхурликларга жавобан астойдил ўқишимиз, комил инсонлар булиб этишимиз керак» деди ҳаяжон билан.

Ф. ЖАЛИЛОВА.
СУРАТЛАРДА: лицей ўқувчилари ҳаётидан лавҳалар.

Қадим — қадимдан «Гуллар шаҳри» деб ном олган гузал Наманганни уша кунлар «Футбол шаҳри» деб бараппа айтишди. Чунки бу ерда кўзнинг илқ кўнларида «Ўзбек футболни ҳафталиги» ўтказилди. Бу кунлар ҳалок бўлган «Пахтакор»чиларнинг хотира турнири, республикамизда ягона бўлган футбол лицейининг очилиш маросими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси соврини учун республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Ҳафталикка авиация ҳалокати туфайли оламдан ўтган пахтакорчиларнинг оила аъзолари, қариндош — уруғлари ҳам ташриф буюришди. Улар автобусдан тушиб, Уйчи тумани марказий уйингоҳига кириб келишди. Таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев келган меҳмонларни таништирганда йиғилганлар уринларидан туриб олқишлашди. Танаффус пайтида шарқий тарафдаги гулзорга арча дарахтлари ўтқазилди. Ҳар бир ниҳолга ҳалок бўлган футболчилардан бирининг исми — шарифи ёзил-

Наманганда ўзбек футболни ҳафталиги бўлиб ўтди

ди.

— Ушбу лицейда таълим олаётган ёшлар келгусида Ўзбекистон футболни доврғини оламга ёядилар, деб

рилгани биз учун катта шараф бўлди, — дейди Уйчи тумани ҳокими Турсунпўлат Мирзамаҳмудов, — у бу ерда футболни янада ривожлантиришга

Сирожиiddин Бозоровнинг отаси Аҳмад ака Бозоров шундай деди:

«Наманганликларнинг фарзандларимиз хотирасига ҳурматлари баландлигини кўриб ниҳоятда қувондик. Айниқса шундоққина шаҳар марказидаги уйингоҳ ёнида «Пахтакор-79» хотира боғи барпо этган Одишжон Мамадалиевнинг ишлари барчамизни таъсирлантирди.»

Ҳафталик якунланди. Таассуротлар бир олам бўлди.

Чўстда ўтган мусобақаларда майдон эгалари биринчи, жиззахлик ёш футболчилар иккинчи, хоразмликлар учинчи ўринни олишди. «Пахтакор-79» хотира турнирида Тошкентнинг «Ватанпарвар» жамоаси биринчи, «Прогресс» (Зарафшон) иккинчи, Уйчининг «Хотира-79» футболчилари учинчи бўлишди.

Аввалбек РЎЗИ МУРОД.

ГУЛЛАР ШАҲРИДАГИ ХАЯЖОНЛАР



ишонамиз, — деб тилак билдирди Наманган шаҳридаги футбол лицейининг очилиш маросимида Ахбор Имомхўжаев.

— Ҳафталик доирасидан урин олган «Пахтакор-79» хотира турнирини ўтказиш туманимизга ишониб топши-

туртки бўлади деб уйлайман. «Пахтакор»чилар ҳалокатга учраган йили туғилган ёшлардан тузилган футбол жамоаси «Хотира-79» деб номланди. Улардан келгусида умидимиз катта.

Марҳум пахтакорчи

Устоз минбари

Мақтаб — ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялаш, уларнинг савиясини, билимини оширишнинг бошланғич нуқтаси. Мен бунини дастлаб иш бошлаган вақтимдаёқ англаганман. Ушанга ҳам 12 йил бўлибди. Самарқанд муаллимлар олийгоҳини битириб, буерга келганимда 1-синфни ишониб топширишди. Очиғи, бошида роса қийналдим.

тиб кўйгин», дедим. Унгача партадоши Гулнорадан Ғолибнинг севимли кучугини уч кун бурун кимдир ўғирлаб кетганини билиб олгандим. Йўлда кетаётган секин, жониворлар, уларнинг ҳам одамларга ухшаб яхшилик ва ёмонликни ҳис қилишлари ҳақида гапирдим. Шунда Ғолибнинг узи изтироб билан булган

Ва ўқитувчининг зиммасида ўқиш-ёзишни ургатишгина эмас, балки болаларга дунё ҳақидаги илк тасаввурни бериш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш вазифаси ҳам борлигини англадим.

Ўқувчиларнинг илмда, тафаккурда мустақил бўлишларига эришиш, халқ миллий мада-

утказдик. Ушанда ўқувчиларимнинг теран ва чуқур жавобларини эшитиб, меҳнатим зое кетмаганига, уларни соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига қизиқтира олганимга жуда қувондим. Болаларнинг бой ва сирли дунёсидан келиб чиқувчи саволларга тўғри ва аниқ жавоб бериш учун ўқитувчи ҳам тинмай ўқиши ва изланиши керак. Бу борада файласуф олим И. Муминовнинг «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли», Бурибой Аҳмедовнинг «Мирзо Улугбек», «Амир Темур» асарлари асосий манбаа сифатида ўқувчиларимизда улкан таассурот қолдирди. Шунингдек, севимли газетамиз «Тонг юлдузи» саҳифаларида соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятининг кенг ёритилганлиги диққатга сазовордир.

Иқтидорли ўқувчиларим — Республика ёш тарихчилар олимпиадасининг ғолиби Шўрат Холиқов, 8-синф ўқувчиси Бехзод Мавлонов, Феруза ва Дилфуза Алимоваларнинг билимдонлиги, қизқувчанлиги мени ҳамisha хурсанд қилади. Аслида мураббий учун ўз шогирдларини камолини қуришдан ҳам юксакроқ бахт бўлмас керак. Мен эса уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига, юртимизнинг чинакам фидойилари сафидан урин олишларига ишонаман.

Юлдуз ХАМРОЕВА,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон туманидаги
17-мактабнинг тарих
ўқитувчиси.

«ҚАЛБИМДАГИ ВАТАН — МАКТАБИМ»

Орадан 12 йил ўтганига қарамай, уша кунларни ҳаяжон билан эслайман. Илк марта мактаб партасида утирган уйинқароқларни жиддий ҳаётга — китоб ўқиш, дарс тайёрлашга ургатишнинг узи булмаганди. Мен уларга ҳарф танитдим. Улар эса мени мураккаб, қийин ва шарафли касб — ўқитувчиликка қизиқтиришди. Бугунги кунда асосан юқори синфларга дарс берайман. Лекин ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндошиш, узига хос муомала қилиш сирларини уша, собиқ 1-синф ўқувчиларим туфайлигина ургандим.

Эсимда, энг аълочи ўқувчим Ғолиб Ражабов устма-уст икки кун дарс тайёрламай келди. Дастлаб ҳаммининг олдида уялтирмоқчи бўлдим. Кейин Ғолибнинг нозик қалб, тортинчоқлигини уйлаб алоҳида суҳбатлашмоқчи бўлдим. Дарс тугагач, «Ғолиб, сен мени куза-

воқсани айтиб берди. Етти ёшли боланинг худди катталардек фикрлаши менга жуда таъсир қилди. Қўлимдан келганича уни юпатишга, ити албатта қайтиб келишига ишонтиришга уриндим. Кечаси билан уйимиздаги кутубхонадан ҳайвонот ва усимликлар олами ҳақидаги бир нечта китобларни ўқиб чиқдим.

ниятини ардоқлашга ургатиш катта ахлоқий — тарбиявий аҳамиятга эгадир. Машгулотларда халқимиз тарихий-маданий меросини чуқур таҳлил қилишга уринамиз. Ўқув йили охирида Самарқанднинг мухташам Регистон майдонида «Темур давлати ва темурийлар сулоласи» мавзусида савол-жавоб дарси



Ҳар нарсага қизиқувчан қизалоқлар мактабларига келган машхур раққосани куриб қувониб кетишди. Ҳа, улар машхур даста — «Баҳор» қизи, Республикада хизмат курсатган артист Уғилой Мухамедовани таниб севинишган эди. «Бизга уйин ургатсалар керак, тўғрими?» бир-бирларига пичирлашди улар. Санъатсеварлар тўғри топишган эди.

— Сизлар балки раққоса бўлмассиз, — танишувдан сўнг гап бошлади Уғилой опа. — Лекин қиз бола, яъни булгуси уй бекаси ушбу жозибали санъатнинг бошланғич белгиларини булса-да, билиб олса ютқазмайди.

Мана шу суҳбат ва машгулотлардан сўнг орадан уч йил

«МУКАРРАМ»НИНГ



ҚИЗЛАРИ

вақт ўтди. Ушанда Тошкентдаги 260-мактабда «Мукаррам» деб номланган ёш раққосалар дастаси тузилган эди.

— Ансамблимизни буюк санъаткор, устоз Мукаррама Турғунбоева хотираси учун шундай номладик, — дейди Уғилой опа. — Ўтган вақт ичида қизалоқлар рақс ҳаракати намуналарининг дастлабки белгиларини тулиқ узлаштириб олишди, баъзилари узларидаги янги-янги усуллар, кичик услублар билан бойитишди. Менга улардаги ҳавас, изланувчанлик, меҳнаткашлик хусусиятлари жуда ёқади.

«Мукаррам»чилар ўтган вақтда ҳар йили ўтказиладиган «Илҳом чашмалари» курик-танлови ғолиби булишди. «Юнусобод гуллари», «Истеъдод» курик танловлари совриндори булишди. Юнусобод туманидаги «Чинор» маҳалласида санъат беллашувида ғолиб чиқиб, туман хотин-қизлар қўмитасининг 1 даражали дипломи билан мукофотланишди. Дастаннинг Дилфуза Дадахужасева, Умида Хонбобоева, Мадина Мухамедова, Замира Азизхўжаева, Севара Раҳимова сингари раққоса қизлари санъат сирларини яхшигина узлаштириб олдилар.

Устоз Уғилой опа Мухамедова «Баҳор»ни ижодининг энг гуллаган даврида тарк этганда қалбида бир эзгу ният бор эди. «Шундай қилайки, одамларга янада кўпроқ фойдам тегсин...».

Бизнингча, рақс санъати жонкуяри одамларга фойдаси тегиши учун мактабни, болаларни танлаб тўғри йул топди. У бу билан яна бир ниятига етмоқда. Тузган «Мукаррам» ансамблидан келгусида одамлар қалбига яхшилик, эзгулик, гузаллик уруғларини сочувчи инсонлар етишиб чиқади.

Зулфия ШОДИЕВА.

«ТУҒИЛГАН КҮН»НИ КИМ ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙДИ?

Давримизнинг шитоби баланд. Бу шитобда келажакимизнинг ёруғлиги бус-бутун акс этиб турибди.

Истиқлол бизга эрк берди, яшашимизнинг фаровонлиги йулида куп имкониятлар берди. Узлигимизни танидик. Дунё назарига тушиб, жуда куп мамлакатлар билан дустона алоқалар урнатдик. Қадриятларимиз қайта тикланди. Хуллас, юракларда бир ёруғ манзил йул очди.

Афсуски, баъзан ешларимиз орасида эркинликни фақат кийинишда, хориж лаҳжасида гапиришда деб тушунадиганлар, чет эл мақомларига кур-қурона эргашадиганлар ҳам учраб турибди. Бизнинг бутун дунёни асир этган шарқона урф-одатларимиз, сирлилигимиз, одоб-ахлоқимиз муқалдас ва абалдийдир.

Ешларимиздан, қизларимиздан мана шу бокира туйгуларга доғ туширмастикларини, унинг муқалдаслиги олдида бош эгишларини сурардик.

* * *

Ҳар галгидай трамвайга шошилиб чиқдим. Чиқдим кузим бир гуруҳ қизларга тушди. Бири биридан чиройли, ким узарга кийинган 14-15 яшар бу қизлар мактабдан қайтишадиган экан.

Улар агрофлариди одамлар борлигини бутунлай эсларидан чиқарганча баралла кулишар, ҳали ешлари талаб қилмаган буюқлар суртилган лабларини буришиб, те-варакка бир лаҳза қараб куйишар ва яна суҳбатни давом эттиришарди.

— Вой мақтанчоғей, мактабга дадасини «Волга»сида келибди, — деди сал озгинроғи чийиллаган овоз билан, — нима, машина фақат уларда бормикан, менинг 3 та

акамда ҳам машина бор.

— Аммо «день рождения»сида роса бошлаб утказди-да, — деди яна бириси.

— Буни узини бизга курсатиш учун қилди, шуниям билмадингми Нилу? — дугонасига мурожаат қилди яна бошқаси.

— Айтмоқчи, сен ҳам «день рождения»ни қиласанми?

— Булмасам-чи, нима мени «паст» деб уйлловидинг, керак булса уникидан 3урроқ қилиб утказаман.

— Мен эса оригинал қилмоқчиман «день рождения»ми. Ҳамманг «а-а-а» деворасан.

Шу зайлда уларнинг барчанинг диққатини узига торган суҳбатлари қизигандан қизиди. Бир нуруний отахон: «Сал секинроқ гапирсанглар буларди, бошим оғриб кетди-я», — дедию, боши ба-лога қолди. Невараси тенги ҳалиги қизлардан бири ушқириб: «Нима, бу ер уйингизми, керак булса бақирамиз», — деди. Яна бири: «Бориб узингизнинг болангизга айтинг», — дея ҳеч бир маъноси йуқ сузлардан гурра-гурра кулишди. Баъзилар еқасини беихтиёр чангаллаб: «шунақа қизим булса, бугиб куя қолардим» — деди.

Яна баъзилари афсус билан бош чайқашди. Трамвайдагиларнинг нафрат билан уларга тикилиб тургани парволарига келмас, баттар шанғиллаганча суҳбатлашишарди. Шу орада бекатимга етиб келиб, тушиб кетдим. Йул буйи ҳалиги қизларнинг мазмунсиз, масхараомуз кулгилари кулоғим остида жаранглаб турди.

Негадир куз унгимда қушним айтиб берган бир воқеа манзараси пайдо булди.

* * *

Дилноза мактабдан қайтгач, дадасини ишдан келишини пойлади. Дадаси ишдан жуда кеч қайтди. Ухламасдан уни кутаётган Дилноза югуриб пешвоз чиқиб: «Дада-жон, эртага туғилган куним, нима олиб берасиз?» — деб эркалик қилди.

— Қизим, жон қизим, бувинглар касалхонага тушиб қолибдилар, укол ёзиб беришди. Эртага уларни етказиб олиб боришим керак. Она қизим, туғилган кунингни кейинроқ утказиб бераман, майлими?

— Йуқ, эртага мактабда утказиб беришим керак, булмаса уртоқларим устимдан кулади. Кейин узингиз менга янги чиққан кофтадан олиб бераман, дегандингиз-ку?!

— Булди қилгин, бориб дамнингни ол, кейин дедим-ку, кейин.

ЁКИ

Ҳозир ҳеч иложим йуқ...

Дилноза дадасининг жаҳли чиққанидан сал ҳайиқиб хонасига кириб кетди.

Шу пайт уй қунироғи кетмакет жириглади. Дадаси бориб ешикни очди. Дилноза ҳам хонасидан югуриб чиқди. Қишлоқдаги қариндошлари келишибди. Дилноза энсаси қотганча хонасига кириб кетди. Энди нима қилсам экан? — деб уйлади у. Қандай булмасин уртоқларим олдида шарманда булмаслигим керак.

Тун буйи Дилноза режа тузиб чиқди. Эрта билан ҳаммадан олдин уйғониб, ошхонага муралади. Ҳеч ким йуқ. Ошхонада тунда келган қариндошларининг юклари турарди. Бундан фойдаланган Дилноза беихтиёр йул халталарини очиб кура бошлади. Ногаҳон кузи ҳаменга тушди. Уни апил-тапил олдию, нима қилишини билмай

Нозик мажлислар

югуриб хонасига кириб кетди. Узини кулга олиб пулдан 500 сумини ажратиб, мактаб сумкасига солдию, ҳаменни қайта жойига элтиб қуйди. Ва яна гуё ухлаётган одам булиб жойига етиб олди.

Ойиси: «Дилноза қизим, турақол, вақт алламаҳал булиб қолди, мактабингга кеч қоласан» дегандигина хонасидан ҳеч нарса курмаган одамдай чиқиб келди. Чойини ичиб, мактабига отланди. Синфда уртоқлари йигилишиб ниманидир муҳокама қилишадиган экан.

— Ана, узи ҳам келиб қолди.

— «Дили, бугун «день рождения»ни қиласанми? Сенга совга тайёрлаб қуйдик».

— Зур қилиб утказмоқчи эдинг, торт ҳам оласанми?

— Бахтингга математика уқитувчиси касал булиб қолибди. Ушадарсинг урнига утказамиз, майлими?

Ҳар хил саволлар қуршовида қолган Дилноза хурсанд алфозда сумкасидан 500 сумни олиб қизларнинг олдида қуйди.

— Энди майда-чуйдаларни узимиз бориб харид қилиб келамиз, — деди. Бир пасда шотирлар ҳам

роғ жойингиз оғриятими? — меҳрибонлик қилди у.

— Йуқ, қизим, қариндошларимиз шаҳарга тушиб келишдию, нима учундир кайфиятсиз ҳолда кетамизга тушиб қолишди, шундан юрагим гаш булди. Нима булган булиши мумкин? Еки биздан хафа булишдимикиан?

— Шунга шунчами?

— Вой қизимей, сен нимани тушунасан, уларникига борганимизда жонларини бергудай меҳр билан бизни сийлашарди... Биздан нима хато утди экан, ушани уйлаяпман...

Дилноза бир қалқиб кетди. Аммо гишт қолипидан кучган эди.

Қушнимнинг айтишича, анчадан кейин Дилноза уз хатосини тушуниб, ойижонисига булган воқеани айтиб берган. Буни кутаролмаган ойижониси юраги ёмон булиб, касалхонада бир ой даволаниб чиққан...

Хато қилган юрак-чи, у даволанармикан?!

Авваламбор туғилган кун ёки бошқа бир утиришлар учун кайфият соғлом, юрак тоза булса, ота-онанинг курсатган йул-йуриги

ХАТО ҚИЛГАН ЮРАКНИНГ ДАЪВОСИ БОРМИ?

топилди.

Шундай қилиб «День рождения» утказилди. Дилноза узига аталган совгани ҳам олди. Қизлар йигилиб катта девор соати олишган экан. Дилноза мактабдан хурсанд қайтди. Қутидаги совгасини ойисига курсатиб мақтанди ҳам.

Уйда бир ҳафтага деб келган қариндошлари куринмасди. «Шаҳарни айланишга чиққандир-да» — деб уйлади Дилноза. Ойиси негадир нохотиржамроқ куринди.

— Сизга нима булди ойи, би-

асосида булса қандай соз. Агар шароит кутармаса унга не ҳожат?!

Қизларжон, сиз баҳор чечаклари шабнамларидай бегуборсиз. Мана шу бегуборлик сизнинг бойлигингиз, гурурингиз.

Сизни чорлаётган келажакка шу бегубор бойлигингиз, гурурингиз билан камтарлигу, ширин сизингиз билан, бормогингиз фарздир: Зеро, бундан кейинги буюк келажакни сиз яратасиз.

ЮЛДУЗХОН.

ЎҚИБ ЗАВҚИМ ОШАДИ

Расм чизишга қизиқаман. Она Ватаним манзаралари, табиат ҳодисалари, жониворлар суратини қогозга тушираман. Бунда менга албатта «Тонг юлдузи» ёрдам беради. Ҳатто унда чоп этилган шеър, ҳикоя, лавҳалардан таъсирланиб сурат ишлаган пайтларим ҳам булган. «Шоҳимардон», «Қуёши мул Ватаним» деб номланган «картина»ларимни уша ерда ишлайдиган журналист ака-опаларим босиб чиқаришган. Хуллас, юқоридагилар ҳақида ҳикоя қилишдан мақсадим, келгуси йил учун ҳам обуна булиш ниятим борлигини айтиш. Қолган гапларни кейинги хатларимда ёзаман.

Сунатилло ФАЙЗУЛЛО

Ўғли,

Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманидаги 53-мактаб ўқувчиси.



ФАХРЛАНДИМ, ЮРТБОШИМ ШАҲРИМГА КЕЛДИ

Мен Асакадаги 9-иктидорли болалар гимназиясида билим оламан. Уқилларим яхши. Адабиёт, тарихини еқтираман. Ҳар куни чиқадиган газеталардан ҳеч булмаганда биттасини мутлоаа қиламан. Мени айниқса кейинги вақтларда мустақил Ватанимизда руй бераётган қувончли воқеалар шодлантираятти. Яқинда ана шундай воқеалардан бири руй берди. Ҳукуматимиз раҳбари Ислом Абдуганиевич Каримов Андижонимизга таширф буюрди.

Воқеаларни телевидение орқали кузатдим, сузларини тингладим. Газета орқали ҳам уқиб, уқиб олдим. Айниқса, Президентимизнинг Андижон шаҳридаги 1-болалар касалхонасига борганлиги, у ерда даволанаётган кичкинтойлар билан суҳбат қилгани ҳаяжонлангирди.

«Болаларимиз кенг, ёруғ, баҳаво хоналарда даволанишлари керак» — дебдилар юртбошимиз. — «Чунки биз амалга ошираётган барча ишлар мамлакатимиз келажаги булган соғлом авлод тарбиясига қаратилган».

Улар болаларга турли-туман уйинчоқлар, шифокорларга эса тез ёрдам учун «Дамас» машинаси совга қилдилар.

Узингиз айтинг, ахир қувонмай, фахрланмай буладими, қандай давлат болалари уз Президентлари билан юзма-юз, чин дилдан, самимий гаплаша олади?

Фақат озод юрт болалари, азиз Узбекистонимизнинг мустақиллик меваларини тотаётган кичкинтойлари!

Фаррух ОТАЖОНОВ,

Асакадаги 9-иктидорли болалар гимназияси ўқувчиси.

ҲАМ ТАКЛИФ, ҲАМ ИЛТИМОС

Келгусида журналист булиш орзуим бор. Шу сабаб ҳам ҳар йили «Тонг юлдузи» ва бошқа газета-журналларга обуна буламан. Узимнинг ҳам талайгина мақолаларим «Тонг юлдузи»да босилган. Келгуси йил учун синфимиз билан биргаликда ёзилишга аҳд қилганмиз. Чунки унда эълон қилинаётган барча мавзулардаги материаллар, айниқса, «Болаликка содиқ инсонлар» рукни остида берилган мақолалар ёқади. Сабаби, унда болаларга бағишлаб ижод қилаётган журналистлар ва ёзувчилар ижоди қаламга олинади-да. Ушбу хатни ёзишдан яна бир мақсадим бир таклиф билдириш. Мабодро иложи булса, келгуси йилда газета саҳифасида «Табриклаймиз, қутлаймиз» рукни очилиб, унда газетга обуна булган барча ўқувчилар уз яқинларини бепул қутлашлари учун имконият яратилса.

Муҳаббат НАСИЛЛАЕВА,

Бухоро вилояти,

Ғиждувон туманидаги

3-мактаб ўқувчиси.

Эртақ, эртақ деймиз-у
Унда зўр ҳақиқат бор.
Эзгулик қарор топиб,
Ёмонлик кўрар завол.
Бир замонлар мушукнинг
Бўлган экан қаноти.
Яшар экан тўқ, маъмур,
Хуррам ўтиб ҳаёти.
Ўшаб худди қушларга,
Учиб-қўниб юраркан.
Ҳеч уларга дўст бўлмай
Овлаб, ҳузур қиларкан.
Оч нафсига эрк бериб
Сайрар экан беармон.
Еганича еб, яна
Увол қиларкан чунон.
Кундан кунга қушларга
Яшаш қийин бўлибди.
Ерда ҳам,
Осмоида ҳам
Тинчлик бўлмай қолибди.
Хотиржамлик йўқолиб
Босмиш кўрқув, гулгула.
Ҳаёт ўтса шу зайл
Қириламиз бир йўла.
Йўқолиб кетар тамом
Қуш зоти авлод-ажлод.
Сақлаш учун наслни
Ким берар бизга нажот?
Нима қилиш керак, хўш,
Бош қотар, жумбоқ чигал.
Вақт борида жумбоқни,
Тезроқ қилиш керак ҳал.
Очкўзлиги, шумлиги,
Ўтиб кетди жон-жондан.
Фойдаланмоқ шарт эрур
Вақт борида имкондан.
Бу хавфнинг олдин ҳозир
Олмоқ керак кеч бўлмай.
Арзимизни тингларга


Ҳукмдор бор ҳарқалай!
Қушлар бир кун йиғилиб,
Маслаҳатни фарз қилиб,
Бургутшоҳнинг олдига
Борибдилар арз қилиб:
— Сизда бордир гапимиз,
Мушук даҳшат солмоқда.
Кундан-кунга сафимиз,
Сийрак бўлиб қолмоқда.
Давом этса шу зуғум,
Топмасак бирор имкон,
Тез орада бизлардан
Асло қолмагай нишон.
Унга қанот битгани
Биз учун бўлди офат.
Тамом кун бермай кўйди,
Нафси ўпқон, касофат.
Одил шоҳсиз, сиздандир,
Умидимиз шу тобда.
Шояд мушук ҳайиқиб,
Кириб қолса инсофга?!
Бургут қушлар арзини
Эшитибди жим, обдон.
Сўнг мушукни чорлаб у,
Огоҳ этибди гапдан:
— Тўғри улар талаби,
Нима дейсан, хўш, ўзинг?
Бундоқ фикр қилиб кўр,
Ҳазабдан ёнмай кўзинг.
Шум эмасми, ўзини,
Тутибди гўл, оvsарроқ.
Гўё шоҳнинг гапини
Тушунмаган бир аҳмоқ.
— Бугундан эътиборан
Баъдфеълингдан қайтгайсан.
Қушларга бошқа озор,
Бермайман, деб айтгайсан.
Ҳукм қатъий, билиб кўй
Шикоятга ўрин йўқ.
Ялтоқланиб мушуквой

ХАБИБ РАҲМАТ

ҚАНОТЛИ МУШУК

(эртақ)

Оҳиста дебди:
— Куллуқ!



Ақлинг жуда зўр экан,
Арзир ҳукминг олқишга.
Лекин уни ҳоқоним,
Ожизман бажаришга.
Нафс деб яшаб юрибман,
Жонимдан у зиёда.
Уларга ёнбосмайман,
Билсанг икки дунёда.
Сенга нима, ҳукмдор,
Улар-чун жон койитмоқ,
Сенга ҳам тортиқ қилгум,
Ҳар кун қушлардан мўлроқ.
— Бу қандай гап? — деб
Бургут
Важоҳати ўзгармиш.
Ўйлаб гапир, нобоп сўз,
Ҳазабни тез кўзгармиш.
— Нафсим... — деб энди
мушук,
Гап очганди минғирлаб.
Бургутнинг чанғалида
Ўзин кўрди биғиллаб.
Сендайларга қанот ҳайф,
Ҳайф сенга учиб юрмоқ.
Яхшиликка юрмадинг,
Ўзингдан кўр, эй аҳмоқ.
Қушлар тўғри айтади,
Сен учун битта жазо.
Иккала қанотингдан




Буткул айлайман жудо.
Ҳазаб билан Бургутшоҳ
Мушукнинг бериб додин.
Узиб-юлиб ташлабди
Аямай кўш қанотин.
Шундан бери шум мушук,
Фақат ерда юраркан.
Қайда бўлса дарз, тешиқ,
Сичқон пойлаб тураркан.
Қушчаларни кўрганда
Кўзлари ўтдек ёниб,
Ушлай деса, учолмас
Фақат кўяр тамшаниб.
Кимки нафсга эрк берса,
Бахтдан бўлур бенасиб
Бир кун олур жазосин,
Қилмишига муносиб..

РАСМЛАРДА КҮЁШ АКСИ БОР

Мухарририятимизга келган мактубларорасида катта жилддаги расмлар диққатимизни тортди. Мазмун жиҳатидан ҳам, мавзу ва услуб жиҳатидан ҳам ранг-баранг расмларни қашқадарёлик тенгдошларингиз чизишибди. Саиджон уз суратларида бетакрор табиат манзараларини акс эттиришга интилан булса, Нажим ва Анварларнинг расмларига боқиб, қуҳна ва навқирон Шаҳрисабзнинг бугунги қиёфаси Оқсаройнинг пурвиқор миноралари билан туғаллик касб этганини ҳис қиласиз. Демак, М. Бедил номли мактаб қошида фаолият курсатаётган «Ёш мусаввир» тугараги абзолари чиндан ҳам изланишяпти.

Уз олами, қайфият ва туйғуларини узгаларга ҳам юқтира олиш санъати билан астойдил шуғулланишяпти.



«Шаҳрим қиёфаси»



«Алишер Навоий»
Саиджон Қодиров



«Обидалар ўтмишдан сўйлар»
Нажим Турдиев

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

НВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0507. 7691 нусxada босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
Манзил: 700083, Тонкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навр курсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

